O'zbekiston Respublikasi
Samarqand viloyati
Nurobod tumani
**HOKIMI**
**QARORI**

**РЕШЕНИЕ**
**ХОКИМА**
Нурабадского района
Самаркандской области
Республики Узбекистан

141100, Nurobod shaxri, Mustaqillik ko'chasi 2-uy,
Tel:633-16-34, Fax:231-98-81, nurobod@samarkand.uz

141100, г. Нурабад, ул. Мустакиллик, д.2
Тел:633-16-34, Факс: 231-98-81, nurobod@samarkand.uz

2020 йил «4» декабр № 860-К

**Нуробод тумани Нурдум маҳалласи ҳудудидаги ижтимоий соҳа объектларини ҳамда аҳолини узлуксиз сифатли алоқа билан таъминлаш мақсадида 13.0 км узунликдаги оптик толали алоқа тармоғини тортиш учун ер майдони танлаб, ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистан Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги ПФ-6079-сонли ""Рақамли Ўзбекистон-2030" сиратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонига асосан 2020 йилда Нуробод туманини рақамли трансформация қилиш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш мақсадида, Нуробод тумани Нурдум маҳалласи ҳудудидаги ижтимоий соҳа объектларини ҳамда аҳолини узлуксиз сифатли алоқа билан таъминлаш мақсадида 13.0 км узунликдаги оптик толали алоқа тармоғини тортиш учун ер танлаш ҳамда "O'ZBEKTELEKOM" АК Нуробод туман телекоммуникация боғланмасининг 2020 йил 23 ноябрдаги №46-01/315-сонли хатини, туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини танлаш масалаларини кўриб чиқувчи ваколатли комиссиянинг 2020 йил 25 ноябрдаги далолатномаси ҳамда "Маҳаллий давлат ҳокимяти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6-моддасига асосан,

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Нуробод тумани Нурдум маҳалласи ҳудудидаги ижтимоий соҳа объектларини ҳамда аҳолини узлуксиз сифатли алоқа билан таъминлаш мақсадида 13.0 км узунликдаги оптик толали алоқа тармоғини тортиш тўғрисидаги туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини танлаш масалаларини кўриб чиқувчи ваколатли комиссиянинг 2020 йил 25 ноябрдаги далолатномаси тасдиқлансин.

2. Нуробод тумани Нурдум маҳалласи ҳудудидаги ижтимоий соҳа объектларини ҳамда аҳолини узлуксиз сифатли алоқа билан таъминлаш мақсадида 13.0 км узунликдаги оптик толали алоқа тармоғини тортиш учун туман ҳокимлиги ҳисобида бўлган яйлов ер майдонидан 2.6 га ер майдони вақтинчалик ажратилсин.

3. Туман бош архитектори (М.Ибодуллаев) туман ер ресурслари ва давлат кадастр бўлими бошлиғи (Ж.Джиянов)ларга, тайёрланган лойиҳа хужжатлари асосида тармоқ тортиш ишларини бошлаш учун мазкур ажратилган ер майдонини жойнинг ўзида (натурада) кўрсатиб ўлчаб бериш ва тегишли далолатнома асосида пудратчига топшириш ҳамда алоқа тортиш ишлари якунлангандан сўнг ер майдонини асл ҳолатида қабул қилиб олиш юклатилсин.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI SAMARQAND VILOYATI NUROBOD TUMANI HOKIMLIGI DEVONXONA

**Туман ҳокими** **Ф.Заиров**